24497

САНЪАТ ОШУФТАЛАРИ МАХАЛЛАСИ

НАВОИЙ. Қизилтепадаги Файзулла Хўжаев номли маҳалла ишлар қилинмоқда. Маҳаллада санъат шайдолари, иқтидорли ҳаваскорлар кўплигини ҳисобга олган оқсоқоллар бамаслаҳат бир фикрга келдилар. Маҳаллада "Шерзод" гурухи тузилди. Қўшиқчи, раққоса ва чолғучилардан иборат ҳаваскорлар маҳалла аҳлига маданий хизмат кўрсатиб, турли тадбирлар, байраму тўйларда кўпчиликнинг ҳожатини чиқаришмоқда.

Баходир ЭГАМОВ.

ОҒИРЛАРИ ЕНГИЛ БЎЛДИ

САМАРҚАНД. Иштихонда янги автокорхона фаолият кўрсата бошлади. Йўловчиларнинг оғири енгил, узоғи яқин бўлиб қолди. Муҳими, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб-териб олиш ва манзилларга етказиш муаммоси бартараф этилди. Автокорхона жамоаси хизматидан туман аҳли миннатдор.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ.

ЙИЛОЙКУН
янгиликлар
воқеалар
ЙИЛ+ОЙ+КУН

ЙЎЛ ЁҚАСИ БОҒ БЎЛАР

ҚАШҚАДАРЁ. Нишон — Талдарахтлар ўтказиш кўпдан бери ҳал бўлмай турганди. "Нишон" ҳўжалиги боғбонлари мазкур йўлнинг қарийб 5 километри бўйлаб ўзига хос боғ яратишга киришдилар. Жумладан, 20 минг туп Калифорния терак қаламчалари тайёрланди. Қўшимча 4000 туп мевали дарахт кўчатлари сотиб олинди. Айни кунларда кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилянти.

Юнус УЗОҚОВ.

БОЗОР ВА ДЎКОНЧАЛАР

ХОРАЗМ. Хева туманидаги "Хева" жамоа хўжалигида жойлашган "Шавкатбек" хусусий фермер хўжалиги қишлоқ марказида савдо маҳсулотларига мослаштирилган бозорча ва бир неча сут дўкончалари очди. Фермерлар ихтиёрида 346 бош қорамол бўлиб, озуқа етарли бўлгани учун қиш ойларида ҳам сут етиштириш суръати пасаймади. 22 нафар киши меҳнат қилаётган бу фермадаги маҳсулотлар сифати ва арзонлиги билан ажралиб туради.

Рўзимбой ҲАСАН.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 6 март, пайшанба № 29 (22.113).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

Республикамиз кино санъатини намойиш этиш, юртдошларимизни жаҳон киноси дурдоналари билан таништириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси «Ўн иккинчи Тошкент халқаро кинофестивалини ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилган эди.

5 март куни ана шу анжуман ташкилий қўмитасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, мазкур ташкилий қўмита раиси Ў. Султонов бошқарди.

Мажлисда халқаро кинофестивалга тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Кун тартиби юзасидан «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси раиси, ўн иккинчи Тошкент халқаро кинофестивали бош директори Т. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Жалилов, ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари У. Исмоилов ахборот берди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).



КЎКЛАМ ЮМУШЛАРИ. Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ МАРКАЗ ОЧИЛДИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ўтган йил октябридаги Фармонига кўра инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази тузилган эди. 5 март куни Тошкентда ана шу миллий марказнинг тантанали очилиш маросими бўлди. Унда республика ҳукумати аъзолари, Олий Мажлис вакиллари, вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда Ўзбекистонда аккредитация қилинган хорижий мамлакатлар дипломатик корпуслари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, меҳмонлар ҳозир бўлди.

Маросимда инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий марказининг директори Акмал Саидов, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик, ЕХҲТнинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори элчи Одри Гловер хоним сўзга чиқди.

Миллий марказнинг очилиши жамиятни демократиялаштириш йўлидаги яна бир муҳим қадам эканлиги маросимда алоҳида таъкидланди.

Маросимда БМТнинг тараққиёт дастури ва инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ўртасида «Демократиялаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқаришни такомиллаштириш» дастурини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида меморандум имзоланди. Уни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик ва инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий маркази директори Акмал Саидов имзолади.

Т. БОТИРБЕКОВ, (ЎзА).

Муҳаррир минбари

МАЪРИФАТЛИ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ

Қадим донишмандларимиз дунёни катта бозорга ўхшатганлар. Бу ҳикматни қандай талқин этишдан қатъи назар, унда бозор ҳам дунёдек қадимийдир, деган маъно мавжуд. Дарҳақиқат, бозор илгари пайдо бўлганмикин ёки инсон талаб-эҳтиёжларими? Уларни бири иккинчисидан олдин пайдо бўлган дейиш хато, улар баравар пайдо бўлган. Талаб-эҳтиёжлар бозорни бозор қилиб, шунга мувофиқ, бозор талаб-эҳтиёжларни бир изга солиб туради.

Бозор, таъбир жоиз бўлса, бугунги кунда дунёнинг марказига айланди. Бугун ҳамма нарса бозорга интилади: товар ва маҳсулот ҳам, фикр ва ҳатто инсоннинг ўзи ҳам. Бугун ҳамма нарса бозордан ўтади: товар ҳам, асар ҳам... Бозордан буст-бутун ўта олсагина жаҳонга чиқади. Бозорнинг синовлари эса бешафқат, имтиҳонлари сарани саракка, пучни пучакка чиқарадиган элакка ўхшайди. Икки кишининг олди-бердисидан бошланган бозор давлатларнинг муносабатларигача бўлган алоқаларни ўз ичига қамраб олади.

Албатта, бозордан бозорнинг фарқи бор. Бугунги кунда бизга социализмдан қолган мажруҳ ва фалаж бозор эмас, маърифатли бозор, маърифий муносабатлар шаклланган, табиатида иқтисод ва молия, ижтимоиёт ва сиёсат, маданият ва ахлоқнинг энг илғор тенденцияларини жам этган бозор керак. Маърифатли бозор муносабатлари маърифий тараққиётни таъминловчи энг асосий омилдир.

Социалистик истибдод даври шарқона бозор муносабатларига тамомила барҳам берди. Гўёки, обод бозор бузиб ташланиб, унинг ўрнида ҳар хил нарсаларга тўла қуруқ майдон қолди. Бозор ва бозор муносабатларининг асосий бўғини бўлган сотувчи ва харидор алоқалари узиб ташланди. Натижада, нафақат бозор, ҳатто тузумнинг ўзига ҳам путур кетди. Бу эса маърифатли дунёни сотувчи ва харидор ўртасидаги маърифатли муносабатлар бошқаришини яна бир карра тасдиқлаб турибди.

Ҳар қандай доирадаги бозорнинг ҳам ўз қоидалари бор. Шуни билмаган одамнинг бозори касодга учрайди. Ҳайвон терисига балиқ, ҳайвон гўштига темир алмашган ибтидоий одамларнинг савдосида бозорнинг ўзгармас қонунияти яширинган эди. Бу — керакли нарсани, мўлжалдаги баҳода, харидорнинг қизиқишини орттирган ҳолда сотиш илмидир. Бугунги давр одами эҳтиёжлари ибтидоий одам эҳтиёжларидан қанчалик фарқ қилса, бугунги бозор ҳам ибтидоий давр бозоридан шунчалик фарқ қилади. Бозор қонуниятлари — тараққиёт қонуниятлари. Уларни билмасдан туриб тараққиётга эришиб бўлмайди.

Бозор қонуниятларини ўрганиш — илм. Буни англамаган синади. Бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳаларини кенг кўламда ислоҳ этишга эришиш, бунинг учун иқтисодий шарт-шароитлар яратиш зарур. Изчил иқтисодий ривожланишни таъминлаш, иқтисодий ўсишда барқарорликка эришиш эса аввало бозор қонуниятларини билишни талаб этади. Бозорнинг олтин қонуни — харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Маҳсулоти бозорда ўтмай қолиши корхона инқирозининг дебочаси. Бизда шундай корхоналар борми?

Мижоз кутиб, кун бўйи пашша қўриб ўтирган оддий сартарошхона соҳибидан тортиб, маҳсулотлари маҳаллий дўконларимизга сиғмай, омборларда қалашиб ётган пойабзал фабрикаларининг бугунги аҳволи бозори синган тижоратчининг аҳволидан яхши эмас. Ахир, бу корхоналар яқин-яқинда ҳам машҳур эдику. Уларнинг хизматидан бутун эл-улус баҳраманд бўларди. Назаримда кечаги кунда туриб бугуннинг, бугун эса эртанинг талаб-эҳтиёжларини билмаганликлари учун улар шундай аҳволга тушиб қолдилар. Аслида, маҳсулот ишлаб чиқаришдан олдин унинг бозорини билмаслик, бозорни ўтмайдиган товарга тўлдириб ташлайвериш жиноятдан бошқа нарса эмас-ку. Юртбошимизнинг хулосаларига кўра, сотилмайдиган — «ўлик» маҳсулот ишлаб чиқаргандан кўра, корхона ишламай, ўз ишчиларига маош бериб туриши давлатга «фойдалироқ» экан. Негаки, унда «ўлик» товарларга — елга совурилган маблағ тежалади, дастгоҳлар беҳудага ишламайди. Бунинг яна бир нозик руҳий жиҳати мавжуд. Яъни, ишчи бир ой ишладим деб кўнглини тўқ қилиб маош кутиб юради. Маҳсулот сотилмагач, ишчининг маоши бир, икки, уч ой... — номаълум муддатга кечикади. Шунда ишчи меҳнатига яраша ҳақ ололмаётганидан норози бўлади. Тўғри-да, меҳнат қилгач, ҳақини олиши керак-да. Дунё бўйича қонда шундай. Бу қонда бузилганда инсон ҳуқуқлари бузилади. Бозор қаерда-ю, инсон ҳуқуқлари қайда? Бир нощуд раҳбарнинг замонавий бозор илмидан бехабарлиги юзлаб, мингларлаб кишилар тақдирининг бедахл қирраларига таъсир этиши мумкин. Боқибеғам бу тоифа раҳбарларнинг иш услуби билан муроса қилиб бўлмайди. Чунки оддий фуқаро уларнинг фаолиятида давлат сиёсатини кўриши мумкин. Маърифатли бозор муносабатларига мутлақо барҳам берган собиқ советлар тузумидан қолган зарарли «мерос» ишимизнинг олдинга кетишига тўсқинлик қилмаслиги керак.

Туркистонимиз улуғ соҳибқирон бобомиз Амир Темургача ҳам ўз бозори билан бутун дунёни мафтун этиб келган эди. Ҳатто етти иқлим Буюк Ипак йўли орқали диёримизга интилган. Шу буюк йўл Туркистон доврўгини ҳам олам-жаҳонга ёйган эди. Бугун ҳам бутун жаҳон ички бозоримизга қизиқиш билан қараётган экан, маърифатли бозор илмидан бехабарлигимиз билан уларни бездирмаслигмиз лозим. Ички рақобатга бардош бериб, жаҳон бозорига чиқаётган маҳсулотларимиз турлари кундан-кунга ортиб бораётгани яхши. Лекин ўзимизда хориж товарларига нисбатан сифатлироқ, мустаҳкамроқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти бўла туриб, ундан тўла фойдаланмаслик ишлаб чиқаришдаги раҳбарларимизнинг маърифатли бозор илмидан бехабарликлари туфайли эмасми?

Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистоннинг 1996 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти якунлари ҳамда 1997 йилдаги иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасини ўрганиш давомида асосий эътибор маърифатли бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган, деган хулосага келдим. Ислоҳотлар жараёни ортга қайтмас, фақат илгарига ҳаракат қилувчи жараён экан, унинг муваффақиятини маърифатли бозор муносабатлари таъмин этади.

Ўзбекистон хотин-қизларига!

БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар!
Қадрли опа-сингиллар!

Сизларни Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март байрами билан чин қалбдан табриклаймиз. Сизлар — гўзаллик, нафосат тимсоли. Сизлар — она, тарбиячи, уй бекаси, вафодор ёр... Фазилатларингизни санаб адоғига етиб бўлмайди. Сизларнинг бутун борлиғингиз, келажагингиз, қувончингиз, муҳаббатингиз — фарзанддир. Уларга инсонийлик, эзгулик, олийжаноблик бахш этасиз ва ўз жигарбандларингизни меҳнаткаш, элсевар ватанпарварлар этиб вояга етказишга умрингизни сарфлайсиз.

Сизлар мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча жабҳаларида фаол меҳнат қилиб, Президентимиз И. А. Каримов бошчилигида амалга оширилаётган, юртимиз нурли истиқболини таъминлашга қаратилган, ислоҳотларни рўёбга чиқариш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдасиз.

Мустақил республикамиздаги меҳрибон онахонларимизнинг меҳр чашмаси, опа-сингилларимизнинг ҳаётбахш наволари, Инсон манфаатлари йилида, қалбларимизга янада кўпроқ ором бахш этишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Азиз ва мўътабар онахонлар, опа-сингиллар!

Баҳор байрамингиз муборак бўлсин! Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, бахту омад тилаймиз!

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўми.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Хоразмдаги «АлоқаДЭУ» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси коммутацион тизими Ўрта Осиёда ягона ҳисобланади. Бу ерда йилига 200 минг номерли телефон станциялари ишлаб чиқариш мумкин. Дастлабки маҳсулотлар Фарғона, Наманган ва Асака шаҳарларига жўнатилган. Бу йилдан бошлаб қўшма корхона тўла қувватда ишламоқда.

Р. ҲАСАНОВ.

НИМА, ЙЎЛЧИЕВНИНГ ЙЎРИҒИ БОШҚАМИ?

ёки раҳбар отанинг фермер ўғлига кўрсатаётган «ҳотамтой»лиги хусусида

Мамлакатимиз мустақиллиги, иқтисодий ислоҳотлар туфайли мулкчиликнинг янги шакллари қарор топди. Қишлоқларда деҳқон (фермер) хўжаликлари кўпайди.

Андижонда ҳозир чорвачилик соҳасида 749 та деҳқон (фермер) хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Фермерларга 4080 гектар ер ажратилган. Фермер-чорвадорлар якунланган йилда давлатга 1002 тонна гўшт, 3237 тонна сут, 341 минг дона тухум сотдилар. Гўштга тортилган қорамолларнинг ўртача вазни 350 килограммга тўғри келди. Ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут 975 килограммни ташкил этди.

Қўрғонтепалик Комилжон Содиқов:

— Ўтган йили ҳар бош сигирдан ўртача 4309 килограммдан сут соғиб олинди. Давлатга 3,5 тонна гўшт, 84 тонна сут сотилди, — деди.

— Энди ўн минг килограмм сут берадиган говмишлар ҳаракатидаман. Наслли пода яратиш учун режалар туздим.

Вақт, меҳнат ким нималарга қодирлигини кўрсатмоқда. Марҳамат туманидаги «Тошболтаев» деҳқон (фермер) хўжалиги эришган натижалар ҳам чакки эмас. Бу жамоа чорвадорлари ўтган йили ҳар бош сигирдан тўрт минг килограмм сут соғиб олишга эришдилар.

Аммо чорвачилик соҳасидаги фермерлик ҳаракатини мамлакатимиз Президентининг Вазирлар Маҳкамасидаги йиғинда айтган гаплари асосида таҳлил қиладиган бўлсак, муайян муаммолар, тўсиқ ва камчиликлар мавжудлиги аён бўлади. Эски тузум иллатлари деҳқон (фермер) хўжаликлари ишининг илгарилашига, тўсқинлик қиляпти.

Узоқ қишлоқдан вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига ем масаласида ёрдам сўраб келган фермер-чорвадор кўпинча қуруқ қайтади. Кўнгли оғриб, ишдан қўли совийди.

— Фермерликни 1994 йили 30 бош мол боқиш билан бошлагандим, — дейди «Мирзакаримбой» деҳқон (фермер) хўжалигининг бошлиғи Абдували ота Мирзакаримов. — Ер олдим. Ўтган йили 7,8 тонна гўшт, 28 тоннадан ортиқ пахта, 5,5 тонна буғдой топширдим. Ҳозир 52 бош қорамолни боқяпмиз. Боқувдаги қорамолнинг этига-эт қўшиш учун кунжара-шелуха керак. Лекин кунжара-шелуха ёздиргани вилоят «Агропром»ига боравериб чарчадим. Вилоятнинг бу идорасидагилар қачон учрасангиз бир баҳона топишади. Бунақада деҳқон (фермер) хўжаликларининг иши юришадими?.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

— 1997 йилнинг биринчи чораги учун фермер-чорвадорларга 23 тонна омухта ем фонди ажратилибди, — деди Асака тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг мутахассиси К. Исмонов. — Бу миқдордаги омухта ем ҳозир ишлаётган 29 та фермер хўжалигига тақсимланганида бир тоннадан ҳам тегмайди. Бунча омухта емни ташиш учун транспорт овора бўлади. Ушовидан тушови қиммат...

Аччиқ, аммо очиқ гапларни эшитгач, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг чорвачилик соҳаси мутасаддиси Ш. Йўлчиевга йўликдик.

— Фермер-чорвадорларга қийин, — деди у сўзининг бошидаёқ. — Ем фонди жуда оз ажратилади. Техника, ёнилғи, минерал ўғитлари қиммат. Фермерлар ем-хашакни ўзларига тегишли ер ҳисобидан етиштиришлари керак.

«Суҳбатдошимиз» бу гаплари билан фермерларга қайишгандек кўринади. Аслида қўйнидан тўкилса қўнжига қабилида иш юритади! Ем масаласида олдига ёрдам сўраб келганларга кўмак кўрсатишдан кўра, «ўзиники»га жон тортади. Бу «сир»ни Андижон туманидаги «Гўзал» деҳқон (фермер) хўжалиги фаолиятига доир маълумот-ҳужжатлар билан танишганимизда билдик.

«Гўзал» деҳқон (фермер) хўжалиги 1991 йилнинг охирида Бобур номли ширкатлар уюшмаси ўрамида ташкил топган. Бошлиғи —Қаҳрамонжон Йўлчиев. Ҳисобида 104 қорамол, шу жумладан 15 бош сигир, 120 қўй, битта от, 20 гектар ер бор.

Бу деҳқон (фермер) хўжалиги 1996 йил давомида вилоятдаги чигитни қайта ишловчи икки корхонадан 161 тонна 950 килограмм кунжара, 42 тонна 450 килограмм шелуха олди. Маҳсулдорлик-чи? 1996 йилда давлатга 9,5 тонна гўшт, 3,8 тонна сут топширилди. Юқори тўйимли ем билан боқилган сигирларнинг ҳар биридан йил давомида 253 килограммдан сут соғилиб «рекорд» қўйилди. Ахир қуруқ янтоқ еган эчки ҳам бундан кўра кўпроқ сут берадику!

Қишлоқдаги фермерлар вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг чорвачилик бўлимига учраб, «1997 йил учун кунжара-шелуха фонди энди ажратилади», деган жавобни эшитган чоғда ҳам «Гўзал» учун ўзгача шароит яратилди. 1997 йилнинг январь ойида «Асака-ёг», «Андижон-ёг-мой» ҳиссадорлик жамиятларидан 29 тонна 100 килограмм кунжара, 3 тонна 400 килограмм шелуха олинди. Яна ўн тоннадан ортиқ кунжара-шелуха олиш учун ҳужжатлар тайёр...

Бошқа фермер-чорвадорлар кунжара-шелуха ололмай ўз ёғларига ўзлари қовирилиб юрганларида «Гўзал» деҳқон (фермер) хўжалигига нега бунчалар ҳотамтойлик? Ё Йўлчиевнинг йўриғи бошқамикин?

Бор гап айтилса бундай бўлишининг сабаби ойдинлашади. «Гўзал» деҳқон (фермер) хўжалигининг бошлиғи Қаҳрамонжон Йўлчиев вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида чорвачилик соҳасига раҳбарлик қилаётган Шароф Йўлчиевнинг эркатой ўғли экан?! Отанинг фермер ўғлига кўрсатган бу меҳрибончилигини қандай баҳолаш мумкин? Бу ўз манфаатини ўзгалар манфаатидан устун қўйиш, бошқаларнинг ишига тўсқинлик қилиш эмасми?

Аввалги йилларда бошланган наслли чорвалар кимошди савдоси 1996 йилда ўтказилмади. Сабабини суриштирсак, вилоят наслчилик бирлашмасидагилар зотли моллар етарли эмаслигини рўкач қилишди. Лекин бирлашма маълумотномасида вилоятдаги ихтисослашган хўжаликларда ўтган йили 935 бош зотли қорамол етиштирилганлиги қайд қилинган?! Шунча наслли қорамоллар кимошди савдосини ташкил этишга камлик қиладими? Кимошди савдосининг ўтказилиши наслли моллар етиштирувчи хўжаликларга, бирлашмага ҳам, фермер-чорвадорларга ҳам фойдали-ку!

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг чорвачилик бўлими раҳбари Ш. Йўлчиев буни билмасмиди?..

Ким ўзининг мансабини, шахсий манфаатини ўйлаяпти — халқ буни яхши билади. Бугунми, эртами илгарилашларга тўсиқ бўлаётганлар четга сурилади. Камчиликлар барҳам топади. Янгиланиш даврининг фидойилари бўлган фермерлар қишлоқнинг ҳақиқий мулкдорлари бўладилар! Бу — аниқ.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАКДАГИ ТАҚДИРИНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ЯРАТАМИЗ!»

Президентга мактуб

Инсон ҳаётида турли-туман учрашувлар кўп бўлса-да, уларнинг айримларигина киши ёдида сақланиб қолади. Бундай азиз хотиралар фақат суратлардагина акс этиб қолмай, кўнгилнинг ҳам гўзал мулкига айланади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич! Эҳтимол ушбу сурат Сизнинг альбомингизда йўқдир. Лекин биз оиламиз билан уни ҳамиша ардоқлаб сақлаймиз. Бу сурат бизга истиқлолнинг дастлабки йилларини, ёш давлатимиз мустақил атакчечак қадам ташлаган пайтларни, бунга россияликларнинг муносабатини, яна олам-жаҳон хотираларни эслатиб туради.

Бу суратга 1991 йили Москванинг Арбат кўчасида Сиз билан бирга тушган эдик. Ўшанда Сиз қатъий ишонч билан: «Ўзбекистоннинг келажакдаги тақдирини ўз қўлимиз билан яратамиз!» — деб айтган эдингиз, бу гапингиз бизнинг кўнглимизга ёруғлик бахш этган, эртанги кунга умид ва ишонч уйғотган, мен ҳатто ғурурланиб, юртбошимиз шундай дедилар, деб курсдошларимга мақтанганман ҳам. Кимдир ҳавас қилган, кимдир: «Москвасиз бирон-бир ишни амалга ошириш бари бир қўлларингдан келмайди», — деган.

Ҳаётда энг олий ҳакам вақтдир. Сизнинг ўз эътиқодингизга содиқ эканлигингизни вақтнинг ўзи кўрсатди...

Орадан бир йил ўтгач, мен аспирантурани тугатдим, бола-чақам билан бирга она-юртга қайтдим. Ўшанга ҳам, мана, беш йил бўлибди. Беш йил ичида юртимизда қанчадан-қанча улуғвор ишлар амалга оширилди. Азалий қадриятларимиз, тарихимиз қадр топди. Ҳар бир савоб ишни бошлаганингизда ўша — Москвада ишонч билан айтган гапингиз бизнинг ёдимизга тушади. Азим ишларга шижоат туямиз. Сиз юртни обод қилишга, оғир ва енгил саноатни, хусусан, машинасозликни ривожлантиришга, айниқса, маънавиятга катта эътибор қаратмоқдасиз. Бу хизматларингиз эл-юрт назарида ўз қадрини топди, топмоқда. Келажак авлодлар ҳам бу хизматингизни ҳеч қачон унутишмайди.

1997 йил 14 февралда халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқингиз, айниқса, бизни тўлқинлантириб юборди. Елкамиздаги масъулият юки янада ошди. Шунга ҳам имонимиз комилки, фарғоналиклар ҳаётида янги босқич бошланди. Чунки Сиз бизни савоб ишларга ундадингиз: қанча қаттиқ меҳнат қилсак, шунча дастурхонимиз тўкин, ҳаётимиз фаровон бўлади. Мен яна бир гапни айтишни истар эдим, Ислом Абдуғаниевич, ёшларга ишониб жуда тўғри қилаяпсиз. Улар давр билан елкама-елка боришга, юртимизнинг оғирини енгил қилишга қодир...

Оиламиз учун жуда азиз бўлган ушбу суратни Сизга юбориш нияти туғилганда, кўнглимиздан шу ўйлар кечди. Шунинг учун ҳам уларни рўй-рост ёздик. Ҳақиқатан ҳам Сиз бундан олти йил олдин ишонч билан таъкидлаганингиздек, ўзбек халқи Ўзбекистоннинг порлоқ тақдирини ўз қўли билан яратаяпти. Мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида ўз мавқеини кундан-кунга оширмоқда. Тарихга айланаётган бу улуғвор ишларнинг барчаси бевосита Сизнинг саъй-ҳаракатингиз, қатъият билан амалга ошираётган адолатли сиёсатингиз туфайли юз бераётганини халқимиз кўриб турибди.

Бахтимизга доимо соғомон бўлинг! Сизни Яратганнинг ўзи қўлласин!

Камоли эҳтиром билан:
Эргашали КАРИМОВ,
Фарғона вилоят маданият ишлари бошқармасининг етакчи мутахассиси,
Кумрихон КАРИМОВА,
Фарғона Давлат университети рус тилшунослиги кафедраси мудири, филология фанлари номзоди,
Элдоржон КАРИМОВ,
2-мактабнинг 5-синф ўқувчиси.

Партия ахбороти

ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссиясининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Комиссия раиси Ў. Турғуновнинг «Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссиясининг 1996 йилги ишлари ҳақида»ги маърузаси тингланди.

Пленум кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Аввал хабар берганимиздек, Президентимиз И. А. Каримов бошчилигида республика раҳбариятининг ислоҳотлар сиёсати, Ўзбекистон ХДП дастури, Миллий истиқлол мафкураси қоидаларини тарғиб-ташвиқ этиш, ҳаётга татбиқ қилиш борасида астойдил хизмат қилаётган фаоллардан бир гуруҳининг номлари Марказий Кенгаш «Эҳтиром китоби» га киритилганди. 1997 йил 1 март куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов номлари мазкур китобдан урин олган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон ХДП МК аъзоси Абдулла Орипов, Чирчиқ шаҳридаги «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлим бошлиғи, бошланғич партия ташкилоти котиби ўринбосари Саттор Ёқубов, Тошкент Молия институти кафедра мудири, Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши жамоатчилик асосидаги тарғибот гуруҳи раҳбари Нормурод Маматовларга гувоҳнома ва пул мукофотларини топширди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ: ТАЖРИБА ВА ИСТИҚБОЛ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида уй-жой қурилишини давлат орқали қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Тошуйжойжамғармабанк» давлат-акционерлик уй-жой жамғарма банкини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида»ги қарори чиққанидан сўнг орадан бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Тошкент шаҳри ҳокими Козим ТЎЛАГАНОВ бу ҳужжатлар бўйича қандай ишлар амалга оширилгани, ҳозир нималар қилинаётгани ҳамда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўзлаб берди.

— Президентимиз Ислом Каримовнинг меҳнатаҳли манфаатлари тўғрисида, тошкентликларнинг турмуш шароитини яхшилаш ҳақида катта ғамхўрлик акс этган мазкур Фармони ва республика ҳукуматининг қарорига асосланиб, шаҳар ҳокимлиги ва «Тошуйжойжамғармабанк» ўтган йили аҳолининг ортиқча маблағини уй-жой қурилишига жалб этиш юзасидан собиткадамлик билан ташкилий ва оммавий тушунтириш ишларини олиб борди ва бу ишлар сезиларли натижа берди.

Шаҳарда аҳолига уй-жой қурилишини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини тушунтириш учун телевидение орқали махсус курсатувлар тайёрланди, газеталар саҳифаларида мақолалар эълон қилинди, маҳалла қўмиталарида учрашув ва суҳбатлар ўтказилди.

Уй-жой қурилишини маблағ билан таъминлаш ва бу ишга кредит ажратиш, пул жамғариш ҳисоб варақаларини юритиш тўғрисида меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, шунингдек банк акциялари ва уй-жой облигациялари бўйича эмиссия истиқболлари ишлаб чиқилди. «Тошуйжойжамғармабанк» уй-жой қурилиши билан боғлиқ барча банк хизматларини бажаришни ўз зиммасига олди.

«Тошуйжойжамғармабанк» томонидан шу йилнинг 1 январига қадар 2198 жисмоний ва 11 ҳуқуқий шахсга пул жамғариш ҳисоб варақалари очилди. Уларда тўпланган маблағ 348,3 миллион сўмни ташкил этди. Шундан 310,5 миллион сўми банкка нақд пул тарзида ўтказилди. 1560 нафардан ортиқ жисмоний шахс имтиёзли кредит олиш учун зарур булган уй-жой облигацияларини харид қилди. Шаҳарда истиқомат қиладиган 862 кишига квартира харид қилиш учун жами 491 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар расмийлаштирилди. Ҳозир уй-жой облигацияларининг

Фармон ва ижро

дастлабки мажмуини сотиб олган яна 699 нафар тошкентликка кредит бериш билан боғлиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йилда шаҳарда 216 квартирали ўн бешта уй-жой фойдаланишга топширилди. Яна 636 та квартира қурилиши бошланган. Улар шу йилнинг биринчи ярмида фойдаланишга топширилади.

«Тошуйжойжамғармабанк» маблағ билан таъминлайдиган ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимлиги ва пудратчи ташкилотлар билан келишилган 1997 йилги қурилиш дастури 2000 квартирани фойдаланишга топшириш ва 1998 йилда фойдаланишга топшириладиган 1000 квартира қурилишини бошлашни кўзда тутади. Уларнинг сметадаги умумий қиймати 116,4 миллион сўмни ташкил этади (1991 йилги нархларда). Умуман, бу йилги режада уй-жой қурилишига 4552 миллион сўм ҳажмида сармоя солиш кўзда тутилган, шундан 2276 миллион сўм давлат бюджети маблағи ҳисобидан қопланади.

1997 йилга мўлжалланган ишлардан 2488 квартирани «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорацияси, 148 квартирани «Ўзсаноатхўжаликқурилиш», 188 квартирани «Ўзагроқурилиш», 128 квартирани «Ўзжамоахўжаликқурилиш», 48 квартирани «ЎртаОсиётранскурилиш» кучлари билан амалга ошириш кўзда тутилган.

«Тошуйжойжамғармабанк» билан «Ўздавлатсўғурта» уй-жой облигациялари бўйича уй-жой сотиб олишга жисмоний шахсларга бериладиган кредитларни мажбурий тарзда суғурта қилиш тўғрисида шартнома тузган, суғурта тўловлари ставкаси жуда имтиёзли — 0,2 фоиз.

«Тошуйжойжамғармабанк»ни кредит ресурслари билан яхши таъминлаш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 19 февралдаги қарори билан «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг меҳнат бўлими «Тошуйжойжамғармабанк» тасарруфига берилган.

Ҳозирги пайтда аҳоли орасида уй-жой қийматининг бир қисмини тўлаб, уй-жой олишга талаб сезиларли даражада ошган. Бунинг асосий сабабларидан бири аҳолининг ортиқча пулини жалб этиб, уй-жой қуришни амалга оширишнинг дастлабки босқичидаги оммавий-тушунтириш ва тарғибот ишларидан ташқари, уй-жойлар шаҳарнинг марказий қисмида қурилаётгани, квартираларнинг яхши режалаштирилгани ҳамдир. Яъни, уйларнинг деворлари асосан пишиқ ғиштдан қурилмоқда. Уй-жойлар қисқа муддатда қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани ҳам одамларни қизиқтирмоқда. Чунки бу ҳол уй-жойнинг ҳақиқий қиймати билан боғлиқ бўлган уй-жой облигацияларини сотиш ўртасидаги ҳақиқий нисбатни тенглаштиради.

Аҳолининг дастлабки улуши тайёр квартира қийматининг атиги 10 фоизини ташкил этади. Квартира қийматининг ярми республика бюджети маблағи ҳисобидан қопланади. Қолган 40 фоизига эса ўн йил муддатга имтиёзли кредит берилади.

Пировардида шуни айтмоқчиманки, ҳеч қаерда бундай тажрибани учратмайсиз. Уй-жой қуришдаги бу янги тартибни такомиллаштириш мумкин ва лозим. Лекин яхши ният, инсон манфаатларини кўзлаш — бу ишнинг моҳияти экани ҳаммага равшан бўлмоқда.

(ЎзА).

«ЗАФАРНОМА»НИНГ ЗАФАРИ

Ўзлик

Шарафиддин Али Йаздийнинг «Зафарнома» китоби босмадан чиқиши маънавий-маърифий ҳаётимизда энг катта воқеалардан бири бўлди.

Яқин-яқингача уқигани яхши китоб топа олмас эдик. Айниқса, тарихий китоблар асосан 40-, 50-, 60-йилларда нашр этилгани боис уларни ҳар қандай кутубхоналардан ҳам топиб бўлмас, амаллаб қўлга киритган китобларингизда тарихимизга нохолис ёндашув акс этган бўларди.

Тарих ҳақида фундаментал китоблар бўлгани маъқул. Бошқа ҳар хил кичик ва йирик асарлар уларни тўлдириши мумкин. Зеро, тарих пойдевори китоблардир. Шу ўринда, мулоҳазаларимиз тарихий асарлар ёзиш эмас, узоқ ва яқин ўтмишимизда яратилган тарихий асарларни китоб ҳолида ўқувчиларга етказиш ҳақида эканини айтмоқчимиз. Ўқувчилар қўлига етиб бормаган, қўлма-қўл бўлиб ўқилмаган китоб, хоҳлаймизми-йўқми, ўлик вужудга айланади, унутилади.

Халқимиз тарихий билимларни ўзлаштиришга чанқоқ. Кейинги беш-олти йил ичида босилган, қўлпайтирилган тарихга оид ҳар хил китобларнинг қўлма-қўл бўлиб келаётгани шундан ўтган 1996 йил соҳибқирон бобомиз — Амир Темур йили дейилиши, айниқса, бир талай тарихий китобларимизнинг дунёга «қайта келишига» қонуний асос бўлди. Чунки, тарихимизнинг энг гуллаб-яшнаган даври Амир Темур ва темурийлар салтанати давридир.



Яқин йилларда тарихда буюк салтанат яратган Амир Темур ҳақида, унинг шонли юришлари, инсоний қиёфаси, адолати, давлатчилик асослари хусусида босилган китоблар орасида энг сараси, энг қимматлиси, шубҳасиз, Шарафиддин Али-Йаздий «Зафарнома»сининг китоб ҳолида босилиши бўлди.

Бу асар Амир соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида энг мукаммал ва ҳақиқатга яқин асар ҳисобланади. У Амир Темурнинг нисбатан муфассал тарихидан иборат. Асар асосан Темурнинг сарой кундаликлари асосида яратилган.

Уз даври қоидаларига кўра форс тилида битилган Йаздийнинг «Зафарнома» асари ўтган беш ярим асрда қайта-қайта кўчирилган. Турли Шарқ ва Ғарб тилларига таржима қилиниб, нашр этилган. Ушбу китоб Муҳаммад Алининг 1519 йилда бажарилган ўзбекча таржимасига асосан тайёрланган. Таржима ягона нусхада бўлиб, у Истанбулдаги Нури Усмония кутубхонасида сақланаётган экан. Нашр этилган китобга 8 та Шарқ миниатюра асари ҳам илова қилинганки, бу унинг бадиий қимматини оширади.

Китоб тарихий олимларимиз Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков ҳамда «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти томонидан нашрга тайёрланди. Асар китобат санъати, матбаа дизайни нуқтаи назаридан жаҳон андозаларидан қолишмайди. Шу ўринда, халқимизнинг маънавият ва маърифатни юксалтириш, тарихимизни ҳаққоний ёритиш, бу борада Президентимиз ва ҳукуматимиз нашриётлар ва матбаа корхоналари олдига қўяётган вазифаларни тўла бажараётган мамлакатимизнинг етакчи матбаа корхонаси бўлган «Шарқ» концернининг мустақилликка эришганимиздан кейинги қисқа даврда янгича шароитларда янгича мезонлар билан ишлаш услубини яхши ўзлаштирганини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Концерннинг кейинги йиллардаги нашр маҳсулотлари қуркамлиги, сифатлилиги, мустаҳкамлиги билан жаҳон талабларига мос тушади. Шу сабабли бу китоблар дўконларда туриб қолаётгани йўқ. Нашр маҳсулотлари ўқувчилар қўлига арзон нархларда етиб бориши учун концерн ўз ҳузурида «Шарқ зиёкори» фирмадўконини очди. Эндиликда энг сифатли қоғозларда босилган кўпга чидайдиган силлиқ муқовали китоблар арзон нархларда сотилмоқда.

Шарафиддин Али Йаздийнинг «Зафарнома»сидек мумтоз китоб босмадан чиқиши ўзлигимизга қайтишимиз, тарихимизга булган эҳтиром, маънавий-маърифий ҳаётимиздаги энг катта воқеалардан биридир.

С. АШУР.

• Хатлар • Хатлар • Хатлар

БЕТОҚАТЛАНИШИДА ШУБҲА БОР ЭДИ

Андижон нақлиёт ички ишлар бўлимининг тезкор ходимлари Х. Исомитдинов, И. Зайнобитдинов, Р. Умаров, М. Усмонов, К. Раҳмонов, А. Шодибоевларни бўлимдагилар ҳурмат ила тилга олади. Сабаби...

Қўрғонтепада дон маҳсулотлари ҳиссадорлик акционерлик жамияти Савай станциясидан Сурхондарёнинг Узун станциясига 166559 сонли йўл ҳужжати билан 1500 қоп ун етиб бормай, ғойиб бўлди.

Тезкор гуруҳнинг қидирув ва тергов ҳаракатлари натижасида ун ортилган вагон Савай станциясидаёқ сохта ҳужжат билан Қирғизистоннинг Ўш шоҳбекатига юборилгани маълум бўлди. Ушбу жиноий иш юзасидан Савай станциясининг қўли эгри ходимларидан 7 нафар киши ушланиб, ишлари судга оширилди.

Андижондаги хўжалик маданий моллари акционерлик жамияти базасининг юк тушириш ва юклаш майдонида турган 07202317 сонли вагондан 6 дона холодильник ўғрилангани маълум бўлгач, ўғрилар аниқланиб, ушландилар. Улар 58 ёшли Карим Ўринов, 20 ёшли Сергей Барабания, 20 ёшли Дмитрий Мамонтов, 18 ёшли Андрей Маслов, 17 ёшли Б. Бегматов, 17 ёшли Санжар Мамасолиев, 16 ёшли Ойбек Тиллабоевлар бўлиб чиқди.

Андижон—Москва йўналиши бўйича қатновчи 681-рейсга йўловчилар рўйхатдан ўтказилаётганди. Ғофуржон Долимовнинг бетоқатланиб қолиши ходимларни шубҳалантирди. Унинг юкдони текширилганда 7,5 кило гиёҳванд модда топилди. Ғ. Долимов ва унинг шериги Саиджамол Қурбонов ҳибсга олиниб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

235- сонли Андижон—Самара поездининг 14-вагонида кетаётган Ҳамидулла Мусаев ширин хаёллар оғушида ўзга юртдан жарақ-жарақ пул ишлаб келиш ниятида эди. Нақлиёт ходимлари унинг юкдонини текшириб, 2 кило 815 грамм қорадорини топишгач Ҳ. Мусаевнинг орзуси пучга чиқди.

Х. МЎЙДИНОВ,
жамоатчи мухбир.

АЛИМЕНТ ОЛОЛМАЯПМАН

Ушбу аризани ўта сарсон бўлганимдан, қийналганимдан ёзишга мажбур бўлдим. Суд қарори асосан 1993 йил 16 июлдан икки нафар боламга собиқ турмуш ўртоғим Р. Ҳикматовдан алимент олар эдим. Шуни ҳам «ёш болани хўрозқанд билан алдаган»дай уч-тўрт ойда бир юборар эди. 1996 йил апрель ойидан ҳозиргача алимент мутлақо келмай қўйди. Р. Ҳикматов Қарши шаҳар мева ва сабзавот базасида омбор мудири бўлиб ишлайди. Олий маълумотли. Мол-мулкимнинг 50 фоизини яшириб, гўёки, «ўғрилаб кетилган» деб бермади. Бу ҳақда бир неча марта Қарши шаҳар судига, Қарши шаҳар прокуратурасига, вилоят прокуратурасига ёзма равишда мурожаат қилдим. Шаҳрисабз билан Қарши ўртасида бўзчининг мокисидек сарсон-саргардон бўлдим. Бирон натижа чиқмади. Ҳеч нарсамни ундириб беришмади (на пулини, на ўзини). Албатта, бунда қайнотамнинг қўли баланд келди, шекилли. Энди ҳозирги кунга келиб эса алимент учун югуриб, сарсон бўляпман.

1996 йил август ойидан бошлаб бир неча бор Қарши шаҳар суди ижрочиларига, Қарши шаҳар прокурорига, вилоят адлия бошқармасига алимент ололмаётганим ҳақида ёзма равишда мурожаат қилган эдим. Лекин аризаларим оқибатсиз қолиб, ҳозирга қадар Ҳикматов Р. дан бирор сўм ундириб беришгани йўқ.

Ўзим боғчада тарбиячи бўлиб ишлайман. Ойлик маошим 1000 сўм. Шуни ҳам вақтида ололмаяпман. Бошқа даромадим йўқ. Ёлғиз ўзим икки болани кийинтириш, едириб-ичиришим керак.

Ушбу қалб изтироблариминг тўғри тушуниб, муаммоларимни ҳал қилишда ёрдам беришингизни илтимос қиламан.

Ҳулкар ОЛИМЖОНОВА.
Шаҳрисабз шаҳар Ипак йўли кўчаси.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ҲАЙТОВУР ЙЎҚОЛМАБДИ, ТОПИЛДИ»

(«Ўзбекистон овози», 1996 йил, 22 июнь.)

«Ўзбекистон овози» рўзномасида чоп этилган «Ҳайтовур йўқолмабди, топилди» сарлавҳали мақола юзасидан текшириш ўтказилиб, 1996 йил 29 июль куни 24/7-1124 рақамли чиқиш хати билан жавоб мактуби юборилган эди. Мақола юзасидан такроран шуни маълум қиламизки, 1995 йил 30 март куни ҳайдовчи Ғ. Эрназаров М-412 русумли, давлат белгиси Е71-76 КФ бўлган автомашинасини «Қорасув — Бекобод» йўлининг 47-километрида бошқариб бораётганида белгиланган тезликни оширгани учун Тошкент вилояти ИИБ ДАН бошқармасининг алоҳида 3-ротаси йўл-патруль хизмати нозири Х. Абдуллаев томонидан тўхтатилган ва жойида жарима солиш ваколатига эга бўлмаганлиги сабабли ҳайдовчига нисбатан маъмурий баённома тузилиб, ҳайдовчилик гувоҳномаси олинган. 1995 йил 6 апрель куни 25/36-1050 рақамли чиқиш хати билан Тошкент вилояти Бўка тумани ИИБ ДАН бўлимидан алоқа идоралари орқали Қашқадарё вилояти Китоб тумани ИИБга жўнатилган. Бу ҳужжатлар алоқа идораларининг айби билан муддатидан кечикиб, 1995 йил 30 декабрь куни Китоб тумани ИИБга бориб тушган. Ғ. Эрназаровнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси 1996 йил 16 январь куни ўзига қайтариб берилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ДАН бошқармаси бошлиғи
Х. ЗОКИРОВ.

Таҳририятдан: географиядан маълумки, Бўка ва Китоб шаҳарлари бир-биридан олис қитъаларда жойлашмаган. Оралиғи нари борса бир кунлик йўл. (Бу, албатта, қайси уловда юришингизга ҳам боғлиқ). Бироқ шоввоз алоқачилар Бўкадан жўнатилган пакетни салкам 9 ойда Китобга етказишибди. Ажабо, уларнинг улови қанақа экан?

Дарвоқе, республика ДАН бошқармасидан таҳририятга 1996 йил 29 июлда жўнатилган 24/7-1124 рақамли чиқиш хати ҳам таҳририятга етиб келмади. «Ўзбекистон почтаси»дан бу хат тақдирини ҳам сўрашга ҳақлимиз. Юқоридаги жавоб хати эса ўша алоқа тизимида йўқолган мактубнинг иккинчи нусхаси бўлиб, уни бизга алоқачилар эмас, автоназоратчиларнинг ўзлари олиб келишди.

«Хатлар, хатлар, хатлар» материалларини Қурбон ЭШМАТОВ саралади.

ЖАҲОН РАДИО ТЎЛҚИНЛАРИДА

БИ-БИ-СИ (ЛОНДОН). Москвада тожикаро музокаралар икки кунга қолдирилган. Бу ташаббус билан исломий муҳолифат чиққан. Сабаб Душанбеда мухолифат аъзосининг ўлдирилиши ва яна бир қанчасининг қўлга олиниши. Мухолифат вакили Москвадан Душанбега бу ишни ҳал қилиш учун учиб кетган.

Айни пайтда АҚШ элчихонаси эса Душанбедан кўчиб кетган. Лекин нафақат сиёсий масалалар Тожикистон учун ҳозир муаммо бўлиб турибди. Мамлакатда терлама эпидемияси авж олган. Бу ҳақда Душанбедан Мардоний Муҳаммад қуйидагиларни хабар қилади:

— Тожикистон ҳукуматини терлама эпидемиясини олдини олиш борасидаги хаттиҳаракатлари ҳалигача натижа бермаган. Тожикистон соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи муовини Исмоил Усмоновнинг маълумотига биноан Тожикистоннинг 6200 фуқароси мазкур касалликка чалинган. Улардан 4000 ни Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрининг аҳолиси ташкил этади.

Унинг хабар беришича, терлама касаллиги натижасида вафот этганлар сони бугунгача 42 кишига етган. Жаноб Усмоновнинг таъкидлашича, терлама эпидемиясининг тарқалишига ифлос сув сабаб бўлган. Шиддатли иқтисодий бўҳронни бошидан кечираётган Тожикистон мазкур эпидемияни олдини олишга қодир эмас. Шунинг учун ҳам Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти хорижий давлатларни Тожикистонга ёрдам кўрсатишга даъват этган.

Жаноб Усмоновнинг огоҳлантиришича, агар яқин кунларда терлама эпидемиясининг олди олинмаса, баҳор келиши ва иссиқ кунлар бошланиши билан бу эпидемия янада авж олиши мумкин.

Айни пайтда Тожикистон Ташқи ишлар вазирлиги Россия Ташқи ишлар вазирлиги номига юборган нотасида Россия оммавий ахборот воситаларини қаттиқ танқид қилган. Россия оммавий ахборот воситалари терлама эпидемияси сабабли хорижий давлатлар элчихоналари ходимлари Душанбени тарк этишлари борасида хабар берган эди. Бу нотўғри хабар. Бирон бир элчихонанинг ходимлари Душанбени тарк этмаган», — деб айтилади мазкур нотада. Аммо АҚШ элчихонасининг воизи хабар беришича, охирги кунларда элчихонанинг беш ходими оилалари Душанбедан чиқиб кетган. Шунингдек, Тожикистонда ишлаётган 65 американликлардан бир қанчаси Душанбени тарк этган. Мазкур манбанинг айтишича, Тожикистоннинг кескин вазияти ҳамда терлама эпидемияси мазкур амалга боис бўлган.

Ун саккиз минг олам

ТИЛИ ЎЗИДАН УЗУН

Дунёда йилига икки миллионга яқин фил туғилади.

Қарийб шунчаси эса ҳалок бўлади. Лекин ҳалок бўлган фил суякларини топиш мушкул. Олимлар ҳам буни кўп бор кузатишган. Чунки фил ўз ўлимини сезгач, узлатга чекинар, ботқоқликка ботиб ёки дарёга ўзини ғарқ қиларкан.

* * *

Тарантул (ер остида яшаб, тунда тирикчилик қиладиган ўргимчак) овқатсиз икки ярим йил яшаши мумкин.

* * *

Буқаламуннинг тили ўз танасидан икки баравар узундир.

* * *

Янги туғилган кенгурунинг бўйи икки ярим сантиметр, катта бўлгач эса икки ярим метрга етади.

Бу муҳим масала кўпчиликни узоқ йиллардан буён қизиқтириб келмоқда. Аммо маҳаллий тарихий ҳужжатлар жуда озлиги боис ҳали аниқ жавоб топилгани йўқ.

Маълумки, Муҳаммад Мустафо Саллоллоҳу алайхи васаллам ҳаётлиги чоғида оятлар ёдланган. Пайғамбар атрофидаги айрим саводли кишиларгина оятларни ёзиб борганлар. Халифа Абу Бакр Сиддиқ (632-634) даврида пайғамбар тарғибларини тўплашга киришилган.

Халифа Усмон (644-656) ҳукмдорлик қилган йилларда мавжуд барча оятлар тўпламлари таққосланиб ва жамланиб ягона бир асар ҳолига — Қуръон келтирилган.



XX аср бошларидаги маълумотларга кўра, ўтмиш замонларда уларнинг учтаси Макка ва Мадинада, иккитаси Мисрда, биттаси Туркияда сақланган. Бу ердагиси, яъни Истанбулдагисини 1912 йилда ҳажга борган ўзбеклар «Аё-Суфия» масжидида кўриб уни ҳозирда Тошкентда сақланаётган Қуръони каримга жуда ўхшашлигини баён этган эдилар. Демак, Қуръони каримнинг асл нусхаси Туркиядан мамлакатимизга олиб келинмаган экан.

1870 йилда «Голос» газетасида шундай ёзилган: «Салкам 400 йил илгари Баҳовуддин Нақшбандий диний тариқатининг пири Хўжа Аҳрорнинг муридларидан бири ҳаждан қайтаётиб Румда, яъни Константинополда (Истанбулда) тухтайди. Бу вақтда Туркия султони жуда оғир дардга чалинган экан. Хўжа Аҳрорнинг муриди уни дарддан фориғ этади. Султон, агар шифо топсам, табиб нима талаб қилса, шуни сўзсиз бажараман деб онт ичган экан. Мурид эса, Қуръони каримнинг асл нусхасини беришини сурабди. Ноилож қолган султон вазири ва бошқа аёнлари билан маслаҳатлашиб, Қуръонни муридга беришга мажбур бўлибди. Мурид дарҳол Хўжа Аҳрорга юборибди.»

Қуръони карим шу тариқа Самарқанддаги Хўжа Аҳрор масжидидан жой олган экан. Аммо, бу маълумот афсонага ўхшайди. Чунки ноёб Қуръон нусхасининг осонгина муридга берилишига ишониш қийин. Бундан ташқари унинг бегона мамлакатга юборилиши Туркия аҳолиси нафратини уйготиб султоннинг обрўйига ва мавқеига зиён келтириши турган гап эди.

Мен ўз мақоламда («Шарқ юлдузи», 1991, №1) ушбу сабабларни назарда тутиб Амир Темур Туркия султони Боязидни енгандан кейин унинг саройидан Қуръони каримни Самарқандга олиб келганлигини уқтириб ўтган эдим. Эндиликда бу фикримдан қайтишга тўғри келади. Чунки, яқинда қўлимга тушган бир маълумот шуни тақозо этади.

XIII асрда Волга бўйларида ташкил топган ва ривожланган қудратли Олтин Урда давлатининг мўғул хукмдорлари бирин-кетин ислом динини қабул қилганлар. Улар аста-секин турклашиб ва ислом динини ривожлантириб бордилар. Улардан биринчи бўлиб Берка (1257-1266) ислом динини қабул қилган эди. Ҳатто у Бухорода бўлиб таниқли дин пешволари билан суҳбатлашган. Беркахон вақтида ислом динининг ривожланиб бориши айрим хорижий мамлакатларни диққатини жалб этди. Хусусан, Олтин Урда давлати ташкил топган минтақадан Мисрга бориб хокимиятни қўлга олган қипчоқлар (мамлюклар) ўз она юртида ислом дини ўрнатилишини зўр қизиқиш ва мамнуният билан қарши олдилар. Натижада Беркахон билан Миср подшоҳи Байбарс ўртасида элчилик ва дўстлик алоқалари шакилланди. Мазмунан мамлюклар ўзларининг асл ватанини қўмсаб, унинг равнақига имкони борича ёрдам бериш мақсадида Олтин Ўрда билан яқинлашиш сиёсатини юргизган. Бу ҳақда Байбарснинг элчи орқали Беркахонга юборган совғалари ҳам далолат беради.

Миср подшоҳи қандай бўлмасин Беркахонни ўзига жалб этиш мақсадида ниҳоятда қимматли ва нодир нарсаларни юборган. Ҳатто Қуръони каримнинг асл нусхасини ҳам аямаган. Мана кўп асрлар ўтди, лекин унинг қаердалиги ҳақида ҳеч гап йўқ. Фикримча Амир Темур Тухтамишни мағлубиятга учратиб пойтахтни эгаллагандан кейин ўша Қуръонни қўлга киритиб Самарқандга олиб келган. Бунга далолат шундан иборатки, соҳибқирон Қуръони каримни Мисрдан ҳам, Туркиядан ҳам олмаганлиги учун у бу ерларда ҳамон сақланмоқда.

Ҳозирда унинг 6 нусхасидан 5 таси мавжуд, биттаси эса Мадинада масжидга ўт тушганда куйган экан. Қуръон нусхаларининг сонига қараб ҳисоблаганда ҳам Амир Темур уни Олтин Урдадан олганлиги кўринади. Зеро, унинг иккитаси Мадина ва Маккада, иккитаси Миср ва Туркиядадир. Бошқачиси ўзининг юртимизда сақланмоқда. Шубҳасиз, Қуръони карим тарихини ўрганиш бу билан узил-кесил ҳал этилди дейиш қийин. Аммо, ҳозирдаги мавжуд маълумотлар Қуръони каримни Олтин Урдадан олинганлиги ҳақида далолат беради. XX аср бошларидаги текширувга кўра Қуръони каримнинг умумий ҳажми 68 х 53 ҳисобланиб 353 варақни ўз ичига олган. Бу варақларнинг ялтироқ ва сарғиш рангдаги юз томони яхши сақланиб уларнинг орқа бети бирмунча ғижимланганроқ сийқаланган кўринишда бўлган.

Қуръони каримнинг саҳифалари нам тортиб, бирмунча шикастланган ва уларда қон доғлари бор эди. Унинг йиртиб олинган ёки қаттиқ шикастланган варақлари ўрнига 69 терига ўхшаш қалин ва майин варақлар тикиб қўйилган. Бу варақлар пахтадан тайёрланган қоғозлардан ташкил топган. Улар шу даражада моҳирлик билан ишланганки, Қуръоннинг асл нусхаларидан фарқ қилиш қийин бўлган.

«Туркистон ведомости» газетасида (1870 йил) берилган маълумотларда қуйидагиларни ўқиймиз: «Самарқанд мусулмонлари Усмон Қуръонини «Каломи шариф» дейишади. Бу ҳамма Қуръон учун умумий номдир. Бироқ Самарқанддаги мусулмонлардан бирортаси Қуръондан куфи хати билан ёзилган бир сатрни ҳам уқий олмадилар.» (сурат 1).

Россия Самарқандни босиб олгандан кейин, яъни 1869 йилда Зарафшон округи бошлиғи генерал-майор Абрамов Хўжа Аҳрор масжидида Қуръоннинг ноёб нусхаси сақланаётганини эшитиб, полковник Серовга катта илмий аҳамиятга молик Қуръон қўлдан чиқиб кетмаслиги чорасини кўришни буюради. Маълум бўлишича, мазкур ноёб нусха уруш вақтида беркитилиб, сўнгра яна Хўжа Аҳрор масжидига қўйилган экан. Рус ҳарбий маъмуриятининг унга бўлган қизиқишидан хабар топган бир гуруҳ руҳонийлар Қуръонни Бухорога олиб кетишни мўлжаллайдилар. Бироқ бу Қуръон генерал Абрамов томонидан Хўжа Аҳрор масжиди имомларидан 125 сўмга сотиб олинади. Шундан сўнг Қуръони карим Самарқанддан Тошкентга келтирилади. Бир гал генерал-губернатор уни Бухородан келган Яҳё исмли элчига кўрсатганда, у шундай дейди: «Қуръоннинг бу асл нусхаси халифа Усмоннинг ўз қули билан ёзилган ва унинг қони билан доғланган. Бу Қуръон асл нусха ҳисобланиб кейинги даврларда ундан олинган нусхалар бутун мусулмон оламига тарқатилган. У Амир Темур кутубхонасида сақланган қадимий асардир. У Соҳибқирон томонидан олиб келинган ва кутубхонанинг энг қимматбаҳо зийнати ҳисобланган».



1869 йилдаёқ Қуръони карим Тошкентдан Петербургга олиб кетилиб аввал халқ маорифи вазирлигига, сўнгра ҳозирги Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шедрин номидаги кутубхонага берилади. 1873 йилда Қашқардан Петербургга элчи сифатида келган Таргаҳўжа уни кўриб шундай деган: «Мен бу Қуръонни Самарқандда кўрганман. У халифа Усмон томонидан битилган асл нусхадир. У ниҳоятда қимматлидир. Унинг саҳифасидаги доғлар Усмоннинг қонидир.»

Бу доғлар халифа Усмон ваҳшиёна равишда ўлдирилаётганда қўлида ушлаб турган Қуръонга тўкилган қондан юзага келган.

Гувоҳларнинг кўрсатишича, Қашқар элчиси катта мамнуният ва эътиқод билан Қуръони каримни кўзига ва лабига суртган. («Московские ведомости», 1873,195 сон). 1910 йилда «Туркистон қуръери» газетасида босилган хабарга кўра, Петербургдаги мусулмонлар «Машҳур Усмон Қуръонининг шу ерда қурилаётган масжид ихтиёрига берилишини ҳукуматдан илтимос қилишган. Бироқ бу илтимос инобатга олинмаган. Шуро давлатининг дастлабки йилларида Қуръони карим Тошкентга олиб келинди.

Шуни айтиш лозимки, Туркистон замини фақат Қуръоннинг асл нусхаси билан эмас, балки бошқа ноёб хиллари билан ҳам фахрланишга ҳақлидир.

Чунончи XX аср бошларида Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий мақбарасида жуда қадимий Қуръоннинг сақланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Бир манбада қаерда сақланаётганлиги номаълум бир Қуръони каримнинг ХУШ бобига тегишли қисмнинг расми келтирилган. У ёзув услубига қараганда жуда қадимий Қуръонга ўхшайди. Ҳатто ушбу Қуръон ҳалифа Алининг ўғли Ҳусаин томонидан ёзилганлиги ҳақида фикр тарқалган.(сурат 2). Унинг маълум қисми қуйидаги суратда тасвирланган.

Асримиз бошларида Самарқанддаги Шоҳи-Зиндада катталиги ва ҳашаматлилиги жиҳатдан тенги йўқ Қуръони карим кўз қорачиғидай сақланган. Унинг ҳар бир вараги узунлиги 2 газ 4 қарич ва эни 1 газ 6 қарич ҳисобланган. Шунга монанд равишда ҳарфларнинг ҳажми жуда катта бўлган. У 1827 йилда Бухоро хони Насруллонинг тошириғи билан Ҳусаин деган киши томонидан тайёрланган экан.

Айрим маълумотларга кўра у қандайдир қадимий Қуръондан кўчирилган. Чунки катта ҳажмдаги Қуръонга мўлжалланган курси Улуғбек давридан то асримиз бошларигача Бибихоним масжиди рўпарасида турганди. Курси оқ мармардан ишланиб баландлиги икки газ олти қарич, эни икки газ ўн уч қарич ва узунлиги уч газ уч қарич ҳисобланган. Унинг уч қатордан иборат 9 оёғи бор. Унинг суянчиғи (қаноти)нинг баландлиги бир газдан ошади. (сурат 3). Унинг ҳашаматлилиги ва катталигини қуйидаги суратдан кўриш мумкин. Баъзи маълумотларга кўра, мазкур мармар курси Амир Темур замонида тайёрланиб, унга Қуръоннинг асл нусхаси қўйилган. Ҳатто уни Бибихоним ўз масжиди деразасидан қараб ўқиган экан.



Бу санъатнинг ажойиб намунаси бўлмиш курси халқимизнинг Қуръони каримга нисбатан чексиз эътиқоди ва муҳаббати тимсолидир.

Қуръони каримда маржон тизмаларидан шарҳланган суралар шу даражада ҳаётийки, улар миллати, диний эътиқодидан қатъи назар кишиларда меҳнатсеварлик ва ҳалоллик, сахийлик ва камтаринлик, ватанга содиқлик каби олий фазилатларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди. Унда ҳаёт ҳамда одоб-ахлоқнинг барча тармоқларига оид оятлар мавжуд. Таниқли шарқшунос олим В. В. Бартольд: «Ислом дини жаҳон миқёсида асрлар давомида ўзининг хаётийлигини исботлади ва насроний динига нисбатан ўзида тенглик ва биродарликни кўпроқ акс эттирди. Исломни ҳеч қандай дин жаҳон даврасидан сиқиб чиқара олмайди», — деб таъкидлайди.

Қуръони карим қадимдан насроний динидаги халқлар диққатини ўзига жалб этиб келган. Чунки, у 1422 ва 1698 йили лотин тилига, 1770-1828 йиллар орасида саккиз маротаба француз тилига, 1946 йили немис тилига, рус тилига эса 1716 йил, 1790, 1792, 1864,1907 ва 1963 йилларида таржима қилинган. Шуниси диққатга сазоворки, Қуръони карим буюк рус шоири А.С.Пушкин эътиборини ҳам ўзига тортади. Шоир «Қуръондан иқтибос» деган шеърий асар яратган. Бунда у сура ва оятларни мутолаа қилиб, унинг мазмунини шеърий йўлда ифода этишни ўзига асосий мақсад қилиб қўйган.

Буюк немис адиби Волфанг Фон Гете эса «инсоният ҳар жиҳатдан Ҳазрати Муҳаммад олдида қарздор», деб тарғибот қилган эди. У Қуръони каримга тан берган ва «ҳазрати Муҳаммади Тараннуми» номли машҳур асарини ёзган.

Кўриниб турибдики, Қуръон асрлар мобайнида турли тилларга ўгирилган ва кўп мамлакатларда катта қизиқиш уйготган.

Қуръони каримнинг асл нусхаси соҳиби бўлиш ва уни ўз кўзи билан кўриб ҳаёт кечириш катта бахт ва саодатдир. Унинг бизнинг диёримизда сақланиши Худои таолонинг ҳохиш иродаси ва марҳаматидир. Буюк бобомиз Амир Темур уни юртимизга келтириб ўзбек халқи шон-шуҳратини оламга яна бир бор таратишга ва унинг маънавий ҳаётини безашга улкан ҳисса қўшди.

Ҳамид ЗИЁЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

«ХАЛҚЛАР ДОҲИЙСИ»ГА ҚАРШИ

☑ 1953 йилнинг 5 март куни «халқлар доҳийси» Сталин вафот этган, бу ҳақдаги хабарни 1953 йилнинг 6 март куни машҳур радио диктори Левитан ўқиб эшиттирган эди.

«...Турма эшиги олдида 1937 йилда қамалган онам ҳақида бир хабар эшитаман, дея ўтирарканман, ўша даврнинг маҳдуд ва зулмкор қиёфасини аниқ-тиниқ кўрдим. Мен ўғли ватандан қувиб чиқарилган отанинг инфарктдан ўлганини, чор подшоси сургунидан омон қолган чин большевикларнинг оиласи билан йўқ қилинганига гувоҳ бўлдим. Онам сургунга жўнатилаётганда кўриб қолиш учун бувим билан Харьков-Саратовочная станциясида кеча-кундуз навбатчилик қилардик. Вагонларга қамаб беркитилган сургунга жўнатилаётганлар гугурт қутиларига хат ёзиб, ичига майда тош солиб бизга, ерга ташлаб ўтардилар. Уларни конвертларга солиб, кўрсатилган адресга жўнатардим. Хатларни ўқирканман, аччиқ ҳақиқатни тобора чуқурроқ англардим. Уларнинг барчаси айбсиз эканликларини ёзишарди... Ҳаммани бир қўрқув қамраб олганди. Ежов фаол сиёсатчи бўлса-да, Сталин иродасининг ифодачиси эканини ўшандаёқ англаганман...»

Бу сатрлар ҳозирда Қозоғистон сиёсий репрессияга учраганлар уюшмаси вице-президенти Эдмунд Тер-Погосяннинг СССР бош прокурорига оқлов — илтимоси билан ёзилган хатидан олинди. Бундай хатлар, ўша даврда, ўзимизда ҳам оз ёзилмаган, бундай кишилар ҳам кўп бўлган. Бироқ Тер-Погосян ҳақида гапиришимизнинг боиси, у «Ортодоксал партия» дея номланган Сталинга қарши ёшларнинг биринчи яширин ташкилоти аъзоси сифатида 1940 йилнинг ноябрь ойида — 18 ёшида қамоққа олинди. XX съезддан кейин озодликка чиқди. 1990 йилдагина оқланди.

— Ленинизм билан сталинизм орасида қандай тафовут борлигини аниқ билмасам-да, халққа қарши йўналтирилган зулмга ортиқ чидаб бўлмаслигини англардим, — дейди у.

«Ортодоксал партия» аъзолари нафақат сталинизмга, номида «ленин» сўзи бўлишига қарамай, ленинизмга — социализмга ҳам қарши эдилар. Чунки улар Сталин сиёсати Ленин сиёсатининг мантиқий давоми, социализмнинг ҳосиласи эканини, ҳали йигирма ёшга етмаган бўлишларига қарамай, тушуниб еттан эдилар. Ташкилотнинг жами аъзоси етти нафар йигитдан иборат бўлиб, уларнинг барчаси синфдош эди. Мана уларнинг номлари: Эдмунд Тер-Погосян, Эдуард Микинелов, Михаил Перцовский, Михаил Каждан, Юрий Петров, Абрам Митауэр, Гарик Меллерович. Уларнинг яширин ташкилоти фош этилганидан кейин ҳам «халқлар доҳийси»га қарши Челябинскда «Ёшлар ғояси» (1945), Воронежда «Ёшлар партияси» (1947-49), «Курашчилар иттифоқи» (1950), ундан кейин «Теракзор болалари» каби яширин ташкилотлар қисқа фурсат бўлса-да фаолият кўрсатган ва, албатта, фош этилган.

Энг қизиғи ҳатто «Ортодоксал партия»дагиларнинг қамоққа олиниши ҳам ўз ораларида сотқиннинг НКВДга чақуви туфайли амалга ошганди.

Эдуардга бахт кулиб боқди, унга берилган олий жазони ўн йил қамоққа алмаштиришди. Ундан сўнг Новосибирск вилояти Чумакова қишлоғига олти йилга сургун қилинди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: «Мен ўртоқ Иосиф Виссарионович Сталининг оғир касал экани ҳақидаги хабарни ўша ерда эшитдим. Бу хабар миллионлар сингари мени ҳам титратиб юборди».

Сталин ҳам барча одамлар қатори, ўз умри давомида, шубҳасиз, бир неча бор касалланган. Фақат бу ҳақда ҳеч қачон ошкора айтилмаган. «Сталиннинг соғлиғи ҳақида бутун дунёга хабар беришаётган экан, демак энди уни ҳеч ким сақлаб қололмайди, — давом этади Тер-Погосян. — Унинг ўлими ҳақида хабар беришлари билапоқ умумхалқ мотамнинг биринчи байроқлари артель ва идора биноси пештоқларида ҳилпираб туриши керак. Байроқлар шойи бўлиши зарур. Шуни мўлжаллаб кассангда икки байроққа еттулик пул сақлаб тур. Бу маросимда биз кечикмаслигимиз керак», — дея эслайди у ўша пайтда идора бошлиғи билан бўлган суҳбатни.

Ўшанда икки кун давомида радиолар бир минут ҳам ўчирилмаган. Ҳамма бир-биридан Сталиннинг соғлиғини сўраб-суриштирган. 1953 йилнинг 6 март куни машҳур радио диктори Левитаннинг ғамгин овози «халқлар доҳийси» Иосиф Сталиннинг юраги уришдан тўхтаганини бутун дунёга маълум қилди.

Шундай қилиб, «Ортодоксал партия» яширин ташкилоти аъзоларининг ҳаммаси ҳар жойда қазо-қадар топди. Михаил Перцовский ва Абрам Митауэр Сталин лагерларидаги азоб-уқубатларга дош беролмай вафот этди. Мотя Ривкин изсиз йўқолди. Бу ўтмиш фожиаси ҳозир ҳам юракларни зир қақшатади. Эдмунд Тер-Погосяндан: «Ёшлик «ўйинқароқлиги» билан тақдирингиз шундай кечганидан норози эмасмисиз?» — деб сўралганда, у, йўқ, ачинмайман, дея жавоб қайтарган. Зулмга, ёвузликка қарши ҳамиша курашиш зарур, дея ҳисоблайди 75 ёшли кекса курашчи.

Салим АШУРОВ,
Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

ҚОРА ИКРАНИНГ КУЧИ

Франция. Каннлик киборлар хонадонида Грай-Буша шаҳсий гимназиясининг мавқеи жуда баланд. Гимназия соҳиби Брижит Мимонинг таъкидлашича, бунинг боиси бор, албатта.

Маълум бўлишича, бу ерда таҳсил олувчиларнинг ўқув-тарбиявий машғулотларидан ташқари овқатланишига ҳам алоҳида аҳамият берилади. Гимназия маъмурлари 1877 йилдан буён муттасил ўқувчиларини дондан тайёрланган қора икра билан сийлайди. Уларни бундай ноёб маҳсулот билан шартнома асосида Қозоғистоннинг Гурьев шаҳридаги шериклари таъминлайди.

Бир қарашда бунинг таҳсилга унчалар аҳамияти йўқдек туюлиши мумкин. Лекин айнан шу қора икра туфайли ҳар ўқув йилида ўқувчилар сони 10 нафарга ошиб бораётганини назардан четда қолдирмаслик зарур.

Хориждаги хусусий таълим тизимида бу жуда асқотиши шубҳасиз.

ҒАЛАТИ КАРҚУЛОҚ

Италия. Сиенада кар қулоқ очилди. Бу унчалик шов-шувли гап эмас. Дунёда карлар кўп. Тиббиётнинг кучи бу заифликни аллақачон «енгган». Лекин сиеналик фермер Энцо Парлато бошқачароқ кар экан. Энцо 46 ёшда, 40 йилдан буён ўнг қулоғи эшитмасди. Ва ниҳоят хотини уни мутахассис-доктор ҳузурига боришга кўндирди. Доктор бўлса унинг қулоғини осонгина «очди». Ахир қулоққа тиқилган автобус билетини олиб ташлаш докторга унчалик қийин иш эмасди-да.

— Энди мен худди ёшликдагидек, кучлантирувчи аппарат билан эшитаётгандек аниқ-тиниқ эшитаяпман, — дейди у репортёрларга. — Жудаям мени ҳайратга солгани бу эмас. Қулоғимга тиқиб қўйган билетимнинг ёзувлари, ҳарфлари шунчалик аниқ, яққол кўриниб турибди. Худди кеча босмадан чиққандек.

Табиатда мўъжизалар кўп. Бу билет ҳам шулардан биридир. Фақат Энцонинг бундай бепарволигини мўъжиза дейиш қийин. Тараққий этган мамлакатнинг «тараққиётдан ортда қолган бандаси» дейиш тўғрироқ чамаси.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.



Шанхай бинокорлиги.

Биз шундай халқмиз

ТОШКЕНТДАГИ ҚУРЪОНИ КАРИМНИНГ АСЛ НУСХАСИ ҚАЕРДАН КЕЛТИРИЛГАН?

МЕН КЎРГАННИ ҚАЛАМ СЎЗЛАСИН

***

Бир уйу, ҳам солдилар айвон,
Тонгдан пешингача битди «хонадон».
Эгасин уйига киритиб, эвоҳ,
Айвонга тупроқни босдилар чунон,
Ҳикматинг шунчалар жўнмиди эгам,
Тезбитар уйингнинг девори ердан.
Айвони, туйнуги, полию, шифти,
Боқийга ёпилган томи ҳам ердан.

***

Сукунат жар солар қабристон бўйлаб,
Кечиккан иймонлар парвона бунда.
Қабрдан қабрга тиз чўкар меҳр,
Оқибат келдингни, тупроқ тортарда?!

... Йўқ, бас,
унчалик эмас..,
Лаънатлар бўлсин
Ором кўзлашга,

Илк учрашув

МУҲАББАТ ҚАБРИ

Бало борми —
шу ёшда ёлғон
сўзлашга...
Навбат-ла
тобутни кўргани келдик
ўғринча...
Кафанни очиб
ҳам кўрдик.
Сен кўрганни,
Мен кўрганни
қалам сўзласин,
қоғоз сўзласин фақат.
Оппоқдан оппоқ
(Вале «қаро қисмат»)
мато ичра.
Жавдираб сенга,
Жавдираб менга.
Ётар...
Тирик...
Тирик...
Муҳаббат...

Рустам НАЖМИДДИНОВ.

Оҳангарон шаҳри.

ОЛИЙ ТАБАҚА МАСЪУЛИЯТИ

Орзиқиб кутилган дамлар яқин. Футбол нафаси эса бошлади. Жамоалар мамлакат миллий чемпионатига шайланмоқда. Янги мавсум олий табақа меҳмонлари — Навоийнинг «Зарафшон» ҳамда Тошкентнинг «Чилонзор» футболчилари учун айниқса масъулиятли, дейиш мумкин. Боиси ҳар иккала жамоа илк марта кучлилар қатори майдонга тушадилар. Мухбиримиз зарафшончилар мураббийси Геннадий ИВАНОВ билан суҳбатлашди.

— Сирасини айтганда олий табақани ҳамма орзу қилади. Бундай ўзига хос мартаба фахрли ва масъулиятлидир. Айниқса, бу йилги шароитда мамлакатимиз кучли жамоалари билан тенг баҳслашиш, мухлисларимиз ишончини қозониш катта ғайрат ва маҳоратни тақозо этади.

— **Юртимизда футболни янада ривожлантиришга қаратилган тарихий қарор эълон қилинган йилда зарафшончиларнинг юқори табақага кўтарилиши нур устига аъло нур бўлди. Энди «Зарафшон» жамоасини профессионал клубга айлантириш, футболчиларга моддий ва маънавий**

Футбол

ёрдам кўрсатиш борасида ҳам саъй-ҳаракатлар қилинаётган бўлса керак.

— Дарвоқе, футболимизга берилаётган эътибор ҳамда вилоят ҳокимлиги, шунингдек, асосий ҳомий ҳисобланган Навоий кон-металлургия комбинатининг амалий кўмаги бўлмаганида зарафшончиларнинг барча уринишлари зое кетиши мумкин эди. Албатта бу билан ҳамма гап моддий рағбатда, деган фикрга бориш ҳам тўғри бўлмайди. Аввало жамоада ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, муҳими,интизом яхши йўлга қўйилса, кўзланган ниятга эришиш мумкин. Мана, мавсум арафасида сафимизни янада мустаҳкамлаш, маҳоратни тобига етказишга ҳаракат қиляпмиз. Жамоада баъзи таркибий ўзгаришлар ҳам бўлди. Хусусан, Максим Николаев, Анор Қосимов, Хайрулла Асқаралиев, Виталий Ли, Павел Иззатуллаев каби ёшларни жамоага таклиф қилдик. Менга Яков Капров ёрдамчилик қиляпти. Ниятимиз — жамоани ёшартириш. Олий табақа жамоалари чемпионатининг 18 март куни бошланиши эълон қилинди. Билдикки, шу куни дастлабки учрашувни ўз майдонимизда МҲСК футболчилари билан бошлаймиз. Мақсад — мавсум бошидаёқ чиройли ва мароқли ўйин кўрсатиб мухлисларни қувонтириш.

Суҳбатдош: Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 6-mart, payshanba № 29 (22.113).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»),
Виктор ЗВЕРЕВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н.ШАКАРОВ, навбатчи М. АҲМЕДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0141

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.45.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар

ШИЖОАТ ВА ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

Ҳозирги адабий ҳаёт устида гап борганда ундан қониқмаслик кайфияти бот-бот изҳор этилмоқда, ижод аҳлининг «сусткашлик»ларидан нолишлар тез-тез қулоққа чалинмоқда. Аслида аҳвол шундайми?

Тўғри, бозор иқтисодига ўтиш жараёни қалам аҳли учун зўр синов бўлди, бу синовга дош беролмай адабиёт даргоҳидан этак силтаб кетаётганлар ҳам кўп, айни пайтда бу майдон саҳнида оғир синовлардан мардона ўтаётганлар ҳам бор. Гап бу ерда фақат моддий танглик устида бораётгани йўқ. Ижодкор учун моддий тангликдан-да юз чандон мушкулроқ руҳий-маънавий ғовлар хусусида кетаётир.

Сўз санъати табиатидан озми-кўпми хабардор киши учун аёнки, ҳозир адабиётда кечаги кун мезонлари билан иш кўриш асло мумкин эмас; юртимизда, озод дунёда кечаётган туб ижтимоий-сиёсий, маънавий эврилишлар асносида ўзини янгилай олган, XXI аср бўсағаси даражасида фикрлашга қодир ижодкоргина бу майдон саҳнида тура олади. Бу эса қалам аҳлидан катта салоҳият, бетиним изланиш, шижоат талаб этади. Тан олиш лозим, биз гоҳо ўзимизда мавжуд мана шундай салоҳият эгаларининг ижодий шижоати, изланишларига нописанд муносабатда бўлаётирмиз, Мен бугун миллий адабиётимиз юзини замонавий жаҳон адабиёти томон буришга ёки унинг бўйи билан бўйлашишига астойдил уринаётган, бу борада яхшигина самараларга эришаётган ўнлаб тажрибали ва ёш ёзувчи, шоирларни тилга олишим мимкин. Шулардан бири — таниқли шоир, носир Омон Мухтор.

Ҳозирги моддий қийинчиликлар кўп ижодий зиёлилар қатори Омон Мухторни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Бунинг устига у сўнгги йилларда оғир хасталикка учраб, икки бор жарроҳ тиғидан омон чиқди, оилавий мусибатга дуч келди — фарзандидан жудо бўлди. Бироқ, бу қийинчилик, кўргуликлар унинг қаддини буколмади. Яратганнинг иродасига бўйсуниб, дарду ташвишларини ичга ютиб, нолишу шикоятларни йиғиштириб «Шарқ юлдузи»даги масъул вазифани, ижодий ишларини бетиним давом эттирди, фақат иш, ижод билан тан ва кўнгил дардларига малҳам қидирди. Кейинги беш-олти йил ичида ўнлаб шеърлар, шеърий туркумлар, қисса ва ҳикоялар, энг муҳими, бешта янги роман эълон этди... Бу айтишга осон! Баъзан ўйлаб қоласан киши — нозиккина жуссада шунчалар ирода-бардош, куч-ғайрат, шижоат мужассам!

Шу ижодий шижоат, изланиш самараларидан бўлмиш «Тўрт томон қибла» трилогияси — «Минг бир қиёфа», «Кўзгу олдидаги одам», «Тепаликдаги хароба» романларининг Абдулла Қодирий номидаги давлат мукофотига тақдим этилиши қувончли бир ҳолдир. Бу романлар аввало мазмун-мундарижа, шакл-шамойили, ифода тарзининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ўзбек романи 90-йилларга қадар асосан анъанавий реализм йўлидан борди. Жумладан, Омон Мухторнинг 70-80-йиллари яратган «Йиллар шамоли», «Эгилган бош» романлари ҳам шу йўналишга мансуб эди. Маълумки, жаҳон адабиёти, жумладан романчилиги аср бошидаёқ анъанавий реализм билан баробар модернизм, постмодернизм йўлига ўтиб жанрнинг ифода доирасини бениҳоя кенгайтирган, хилма-хил фалсафий-эстетик оқимларга таянувчи романчилик мактаблари шаклана бошлаган эди. Айниқса, абсурд, экзистенциализм, мифологик ва диний тафаккур асосида ҳаётни, шахсни бадиий тадқиқ этиш, онг оқимини кузатиш, ифодалаш бобида катта тажрибалар тўпланди. Бизда ҳам айрим адибларимиз ўша жараёнларга оҳангдош изланишлар қилишга уринса-да истибдод йилларидаги адабий сиёсат бу хил уринишларнинг тўлароқ рўёбга чиқишига имкон бермади. Ниҳоят, 90-йилларга келиб бунинг учун йўл очилди.

Бир қарашда тартибсиз, мантиқсиз, айқаш-уйқаш туюлган воқеа-ҳодисалар замирига синчиклаб назар ташласангиз, масалага, Пушкин айтмоқчи, асарнинг ўз ички қонуниятлари асосида ёндашсангиз уларда теран маъно, ботиний тартиб, мантиқ борлигига амин бўласиз. Фақат буни англаб етиш учун китобхондан муайян адабий тайёргарлик, қуникма талаб этилади. Аслида бу хилдаги «бебош» ифода инсон тафаккур тарзига асло зид эмас, балки айнан унга мос. Ўйлаб кўринг: рўпарангизда сиз билан гаплашиб ўтирган суҳбатдошингиз, гарчи унинг кўзи сизда, қулоғи гапингизда бўлса-да хаёли қаёқларда эканини қаердан биласиз. Эҳтимол, ўша дамда у бир пайтлар кўнгил берган севгилиси билан учрашар, оламдан ўтиб кетган бобоси пандини тинглар ёки ўз тасаввурида гавдаланган марҳум бир улуғ сиймо билан мулоқотга киришар... Омон Мухтор романларидаги «бебош» ифода инсон руҳиятининг айни шу реал ғаройиботи асосига қурилган.

Адиб романлари аниқ макон ва замон тушунчасидан ҳоли дедик. Бу мазкур романлар реал ҳаётдан, ижтимоий мазмундан ҳоли «соф санъат» намунаси дегани эмас. Асарлар мутолааси асносида сиз бугунги кунда кўпчиликни қийнаётган, ўйга толдираётган ўткир масалаларга дуч келасиз. Қолаверса бу романлар ҳаммадан бурун ҳозирги куннинг маънавий-эстетик эҳтиёжи оқибатида майдонга келган; бу хил асарлар фақат 90-йиллар шароитидагина яратилиши мумкин. Бу асарларни ўқир экансиз даҳшатли туш кўргандай бўласиз; кечаги кунларингиз, етмиш йиллик ҳукмронлиги давомида миллионлаб кишиларни йўлдан оздирган, одамлар қисмати, руҳиятида ададсиз нохуш, фожеий асоратлар қолдирган ҳалокатга маҳкум мустабид тузум қиёфаси жамики ваҳшатлари билан кўз олдингизда гавдаланади. Энг ёмони, бу тузум одамларни кўнгил гавҳари — имон-эътиқоддан маҳрум этди, уларни вазиятга қараб товланадиган оддий ижрочи жонзотга айлантирди, майдалаштирди. Эътибор берсангиз, Омон романларидаги ўнлаб персонажлар тирик одамдай гавдалансалар-да, улар аслида бетайин, қиёфасиз кимсалардир. Имонсизлик, қиёфасизлик туфайли гоҳо улар ёвуз маҳлуқотга айланадилар. Ҳатто ёзувчининг нисбатан «ижобий» қаҳрамонлари ҳам бир қадар майда, гуноҳкор, йўлдан озган бандалардир. Улар ҳақиқат кўзгусига рўпара келишдан чўчийди, нажот қидириб «катта йўл»га чиқолмай тўқайзорда тентирайди... Кўнгилга таскин берадиган жиҳати шундаки, улар ўзликни англашга, елкадаги гуноҳларни мардона тан олиб, Оллоҳни дилга жо этиб маънавий тозаришга интилаётган кишилардир. Улар бу йўлда собит туриб мустақил ШАХС, балким ёрқин СИЙМО бўлиб етишажагига ишонгингиз келади.

Юқорида эслатилганидек, Омон Мухтор романларида жаҳон замонавий адабиёти тажрибаларига эш жиҳатлар кўп, бироқ айтарли уларга тақлид йўқ. Бу романларда шарқона миллий руҳ уфириб турибди. «Услуб — ёзувчининг ўзи» деган нақл бор; янги романларида Омон Мухторнинг ўзлиги, фикрлаш тарзи, аввалги асарларига қараганда ёрқинроқ намоён бўлган. Романларда бадиий кашфиёт деса арзигулик рамзий, тимсолий образлар, лавҳалар кўп. Одамнинг турфа қиёфасини, ботиний бисотини ўзига айнан кўрсатадиган кўзгу билан боғлиқ воқеалар ёки мажруҳ оломон издиҳомининг бамисоли бурлаклардай сафга тизилиб «Ё ҳаким, ё ҳоким» дея хитоб қилиб тўқайдан чиқиб, тўқайга кириб йўлсиз кезишлари лавҳаси теран маънодор, таъсирчан чиққан, «Тепаликдаги хароба» романида мавлоно Лутфийнинг салкам бир асрлик ҳаёт йўлини, сиймосини, севги саргузаштини муаллиф бетакрор бир йўсинда — шоир шеърий сатрлари ва уларнинг шарҳи орқали гавдалантиради. Улкан шеърий бисотдаги сатрлар қатига жо шахсий кечинма, ишоралардан мароқли сюжет, бутун бошли саргузашт қисса яратиш — ҳали бизда кўрилмаган тажриба. Буни ўзига хос бадиий тадқиқот деб аташ ҳам мумкин.

Умарали НОРМАТОВ.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

HAR QISHLOQDA BIR GUZAR

ANDIJON. Baliqchi tumani hokimligi madaniy-maishiy sharoitni yaxshilash dasturini tayyorladi. Shunga muvofiq, bu yil 27 kilometrga tabiiy gaz, 10 kilometrga ichimlik suvi quvurlari yotqiziladi. 33,2 kvadrat metr uy-joy foydalanishga topshiriladi. Qariyb ming kvadrat metr hajmidagi savdo-sotiq, ovqatlanish va madaniy-maishiy xizmat ko`rsatish korxonalari vujudga keltiriladi. Muhimi, har bir qishloqda bittadan guzar bo`lishiga e`tibor qilinadi.

Abdusamat ABDUMALIKOV.

ELLIKTA DO`KON TAYYOR

BUXORO. Qadimiy shaharning 25 asrlik to`yiga munosib tuhfa tayyorlanmoqda. Chunonchi, G`ijduvon ko`chasi bilan Gazli katta yo`li muyulishida barpo etilgan karvonsaroy ajoyib savdo markazlaridan biriga aylanadi. 8,5 gektarli maydonni egallaydigan bu majmuada 100 dan ziyod do`kon, ikkita omborxona, savdo zali, mehmonxona va maishiy xizmat shahobchalarining bo`lishi ko`zda tutilgan. Hozircha ellikdan ortiq do`kon foydalanishga taxt bo`lib qoldi.

Mirzoahmad MIRAFZALOV.

O'SMA QO'YIBDI QO'SHIGA... *Turg`unbek MAHKAMOV olgan surat.*

ISHCHILARGA QULAYLIK YARATILMOQDA

**FARG`ONA.** Bag`dod don mahsulotlari kombinati ishchi-xizmatchilariga o`ziga xos qulayliklar yaratilmoqda. Xususan, zamonaviy tibbiy uskunalar bilan jihozlangan oromgohni foydalanishga topshirilishi ko`pchilikni mamnun etdi. Sarf-xarajatlarning ko`p qismi korxona daromadi hisobidan qoplanmoqda.

Umatali CHO`LPONQULOV.

MEHNATDAN KELSA BOYLIK

QASHQADARYO. Usmon Yusupov tumanidagi "Mirishkor" jamoa shirkat xo`jaligi bultur 150 million so`mlik daromad ko`rdi. Bunday o`ziga xos boylikni o`rniga qo`yib sarflanishi oqibatida mehnat ahlining turmush farovonligi yaxshilanmoqda. Qishloqlarning 90 foizi gazlashtirilgan. Zamonaviy maktab, shifoxona va maishiy xizmat shahobchalari ishlab turibdi. Ayni paytda aloqa uyi qurilmoqda. Konserva zavodi qurilishi ham boshlangan.

Rustam TO`RAYEV.



— Тинчликми хотин боғчадан қуруқ қайтяпсан?
Муроджон УНГАРОВ чизган расм.

ТАШКЕНТСКИЙ ФИЛИАЛ
АО УзАСК "ЙЎЛОВЧИ"

Предлагает широкий ассортимент автозапчастей к автомобилям ГАЗ -24, ГАЗ -53, ЗИЛ, МАЗ, КамАЗ
Всего более 300 видов автозапчастей
Оплата по перечеслению или векселями.

Тел: (3712) 54-93-07, 54-78-19.
Факс (3712)54-76-31.
Наш адрес: Ташкент, ул. Айбека 47.

БАНГИ ҚУШЛАР

Швецария. *Борас қушларига «чекишга» рухсат беришди. Бунинг ҳеч ажабланарли ери йўқ. Ҳукумат расман эълон қилди.*

Янги қонунга кўра қушлар озиқ-овқатлари билан савдо қилувчи компаниялар яна кўкнори донини сота бошлашди. Уйда қуш боқувчиларга бироз жабр бўладиган бўлди. Таркибида афюн бўлган дондан чўқиган қушлар эртаю кеч чакакларига эрк беришяпти.

Банги қушлар кайф устида чарчаш нима билмай сайрашгани-сайрашган.